

«ТАСДИКЛАЙМАН»

10-сон мусика ва санъат мактаби
директори



Ж.Файзиев
2022 йил

**10-сон мусика ва санъат мактаби балансига олинадиган
Товар моддий бойликлари (Труба Д-76) учун**

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ

Фиждувон туман - 2022 йил

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА 1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.Танлов предмети: 10- сон мусика ва санъат мактаби балансига олинадиган Товар моддий бойликлари

1.1.1 Труба Д 76 – 100 метр 75 800 сўмдан жами 7 580 000 сўм

1.2.Танловнинг юқори қиймати: 7 580 000 (Етти миллион беш юз саксон минг) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар кабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3.Махсулот бўйича Танлов хужжатларида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган тижорат таклифига асосан белгиланган график бўйича.

1.5.Ишларни бошлап муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. 10- сон мусика ва санъат мактаби (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили : Фиждувон туман

2.2.Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3.Танлов 10- сон мусика ва санъат мактаби “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1.Танлов мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтиослашган, камида 2 йил тажрибага эга бўлган барча Юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар кўйилади:
танлов предмети ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- 684-Конун 13-моддасига риоя этилиши шарт
- Моддий-техника базаси
- Танлов обьектига ўхшаш обьектлардан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
- Солик ва бошка мажбурий толовлардан карздорлиги йуклиги тугрисида
- Катнашувчининг ташкил этилиши, тугатилиши ёки банкрот булиши, мижоз билан суд ёки хакамлик мухокамаси холатида булмаганлиги тугрисидаги кафолат хати.
- Иштирокчи корхонанинг давлат руйхатидан ўтган даврдан бошлаб унинг иш тажрибаси (гувохнома, Низоми (устав), ва умумий маълумотлар
- Ишларни бажариш муддати Кафолат хати

3.3.Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) нибажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4.Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:
кайта ташкил этилиш(ажралиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1.Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2.Танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан кўйилган техник талабларни ва бажариладиганиш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошка боғлик кўрсаткичлар кўрсатилан бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва мухри билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир вароғини мухрлаб тасдиқлаган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3.Куйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади).

4.4. Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукукига эга.

5.ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1.Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2.Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3.Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1.Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2.Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3.Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирочи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7.БОШҚА ШАРТЛАР

7.1.Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл кўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилаган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичida давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3.Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзолаган кундан эътиборан уч иш куни ичida маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси такливларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон килинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичida танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5.Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.



Ж.Файзиев
2022 йил

10-сон мусика ва санъат мактаби балансига олинадиган Товар моддий
бойликлари (Труба Д-76) учун

ТЕХНИК ТОПШИРИК

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	10-сон мусика ва санъат мактаби балансига олинадиган Товар моддий бойликлари (Труба Д-76)
2	Буюртмачи	10-сон мусика ва санъат мактаби
3	Буюртма учун асос	Гиждувон туман
4	Объект жойлашган ўрни	Гиждувон туман
5	Қатнашувшилар учун талаблар	10-сон мусика ва санъат мактаби балансига олинадиган Товар моддий бойликлари (Труба Д-76)
6	Тижорат таклифини тақдим этиш учун шартлар	Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома
7	Бажарилган ишлар хисоб китоби	Товарлар етказилганлиги ҳақида счёт фактура тақдим қилингандан сўнг
8	Ишни бажариш муддати	2022 йил июльдан 2022 йил 15 - августьгacha
9	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Иш бажарилаётган вақтида техника хавфсизлиги қоидаларига тўла амал қилиниши шарт
10	Молиялаштириш манбаи	10-сон мусика ва санъат мактаби бюджет маблағлари хисобидан
11	Молиялаштириш манбаи	7 580 000 сўм